

Ўзбекистон Республикаси номидан
Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

2024 йил февраль ойининг 9 кuni, жиноят ишлари бўйича Хўжаобод тумани суди, ўз биносида, очилмайдиган суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг судьяси А.Қуватаев ва судья ёрдамчиси М.Комилованинг котибалигида, тарафлардан адвокат айбловчиси Хўжаобод туман прокурорининг ёрдамчиси И.Рахмонов, судланувчи Г.Тошматова ва унинг ҳимоячиси “LAW-JUSTICE” адвокатлик бюроси адвокати Ж.Абдуқаҳоровнинг иштирокида Тошматова Гулнорахон Юсуповнага нисбатан 1-1715-2402/11-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Тошматова Гулнорахон Юсуповна (Toshmatova Gulnoraxon Yusupovna) 1979 йил 2 декабрь кuni Пахтаобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта ишсиз, оиласи билан ажрашган, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Пахтаобод тумани Наврўз МФЙ, Хувайдо 2-тор кўчаси 20-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хул атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 27 декабрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Г.Тошматова 2023 йилнинг март ойида ўзига олдиндан таниш бўлган, дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган Қирғизистонлик “Шекер” исмли ва бошқа шахслар билан олдиндан жинойий тил бириктириб, 2023 йилнинг 17 апрель кuni божхона назоратини четлаб, Хўжаобод туманидаги айланма йўллар орқали Қирғиз Республикасидан Ўзбекистон Республикасига олиб ўтишга эришиб, Пахтаобод туманига олиб борган хорижда ишлаб чиқарилган 12 хил турдаги жами 780 дона суд-товаршунослик экспертизасининг 2023 йил 4 майдаги 21-02/(369)24.1Z/541-сонли хулосасига кўра, бозор баҳоси 1.871.334.090 (бир миллиард саккиз юз етмиш бир миллион уч юз ўттиз тўрт минг тўқсон) сўмлик уяли телефон аппаратлари, Г.Тошматованинг

топшириғига асосан юк ташиш фаолияти билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик АН ўша юк божхона бўшқармаси давлат рақам белгиси 60E970VA бўлган "ISUZU" русумли юк машинасида терговда шахси аниқлашни имкони булмаган Тошкент шаҳридаги фуқароларга етказиб бериш учун, олиб кетилаётган Андижон вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши кураш бўлими ҳамда вилоят ИИБ ходимлари томонидан Бўстон туман ҳудуди 44-сонли ЙПХ масканида 2023 йил 17 апрель куни соат 18:30 ларда тўқилган тезкор тадбирда аниқланиб, "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази" давлат унитар корхонасининг 2023 йил 25 апрелдаги 19-19-381/1025-сонли хатига асосан халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизимида рўйхатдан ўтмаган, "UzTest" Давлат муассасаси Андижон вилояти филиали мутахассисларининг 2023 йил 10 майдаги 02-008 сонли хулосага кўра фойдаланиш учун яроқли бўлган 20 дона "IPHONE 14 PROMAX" русумли, 25 дона "Redmi Note 11S 8/128" русумли, 5 дона "Redmi Note 11 4/128" русумли, 20 дона "Redmi 10 C 4/128", 15 дона "Redmi Note 11 Pro 8/128" русумли, 25 дона "Redmi 12S 4/128" русумли, 20 дона "Redmi 12S 4/64" русумли, 10 (ўн) дона "REDMI 10C 4/64" русумли, 10 (ўн) дона "XIAOMI 13 LITE Black 8/256" русумли, 60 дона "TECNO SPARK 10 8-128" русумли, 60 дона "SPARK TECNO 10C 4/128" русумли, 510 дона "SPARK TECNO 10C 4/128" русумли 12 хил турдаги жами 780 дона уяли алоқа воситалари ашёвий далил сифатида баённома расмийлаштирилиб олинган.

Судланувчи Г.Тошматова суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб қуйидагиларни, яъни 2019-2021 йилларда Қирғиз Республикасидан парфюмерия товарларини Ўзбекистон Республикасига олиб келиб сотиш билан шуғулланганини, шу вақтларда қирғизистонлик "Шекер" исмли миллати қирғиз бўлган аёл билан танишиб қолганини, "Шекер" билан қирғизистонлик "Мавлуда" исмли дугонаси таништириб қўйганини, "Шекер" унга Қирғизистондан хорижда ишлаб чиқарилган аёллар учун парфюмерия маҳсулотларини "ташмачи" ишчилар орқали етказиб бериб турганини, ўзи ҳам "Дўстлик" чегара божхона пости орқали товарларни олиб ўтганини, 2023 йилнинг февраль ойларида ҳомиладор бўлганлиги учун парфюмерия савдосини вақтинча тўхтатганини, 2023 йилнинг март ойида фарзандли бўлганини, бу вақтда "Шекер" билан "whatsapp" интернет ижтимоий тармоғи орқали гаплашиб турганини, ундан енгилроқ иш борлигини сўраганида Қирғиз Республикасидан Андижон вилояти ҳудудига божхона назоратини четлаб олиб ўтилган телефон аппаратларини, Тошкент шаҳрига етказиб беришини, эвазига рози қилишини айтганини, шунда унга фарзанди кичик эканлигини, телефонларни ўзи олиб ўтолмаслигини, чегарадан ўтказишни бўйнига

олмаслигини, ишончли одамлардан Андижонга ўтказиб берса, телефон аппаратларни Тошкент шаҳрига олиб бериш мумкинлигини айтганини, “Шекер” рози бўлиб телефон аппаратларини божхона назоратини четлаб, олиб ўтказиб беришни ўз зиммасига олганини, 2023 йил 16 апрель куни соат 23-00 ларда 21 та кичик, 9 та катта қутилардаги 30 дона коробкада телефон аппаратларини божхона назоратини яшириб ўтказиб юборганлигини, ҳайдовчига уни телефон рақамини берганлигини, Пахтаобод тумани марказига келиб ҳайдовчи унга телефон қилишини, телефон аппаратларини Тошкент шаҳрига олиб бориб, Тошкентлик мижозларга етказиб беришини эвазига 1.000 АҚШ доллари беришини айтиб, +99897-998-79-00 телефон рақамига очилган “WhatsApp” ижтимоий тармоғи орқали “Шекер” унга аудио қўнғироқ қилганини, шунда унга 1 ойлик чақалоғи билан Тошкентга бора олмаслигини, 500 АҚШ доллари эвазига 30 дона қутилардаги телефон аппаратларини машинага юклаб Тошкент шаҳрига жўнатиб юборишини айтганини, “Шекер” унга 200 АҚШ доллари беришини, телефонлар Тошкент шаҳрига етиб боргандан кейин уни яна рози қилишини айтганини, оилада ёлғиз боқувчи бўлганлиги, турмушдан ажрашганлиги, тўнғич фарзанди Россия Федерациясида Красноярск шаҳридаги Аэрокосмик университетнинг 1 босқич талабаси эканлиги, пул керак бўлганлиги учун унинг таклифига рози бўлганини, 2023 йилнинг 17 апрель куни соат 06:00 ларда телефон аппаратларни Пахтаобод туманини қаерига олиб боришини сўраб “whatsapp” тармоғи орқали Шекер айтган ҳайдовчи унга қўнғироқ қилганини, унга Пахтаобод марказига келиб телефон қилишини айтиб, ўзи Тошкентга кетувчи таксилар турадиган автовокзалга борганини, у ерда таниши Ж.Ғозиевдан Тошкент шаҳрига кетаётган юк машина ҳайдовчиси Қораянтоқ қишлоғида яшовчи А.Кушаковни телефон рақамини олиб, у билан гаплашганини, шу куни соат 10:00 ларда Пахтаобод тумани марказида Шекер айтган ҳайдовчи билан кўришиб у билан юк машина ҳайдовчиси А.Кушаковни уйига боришиб, давлат рақам белгиси 60E970VA бўлган “Isuzu” русумли юк машинасига 30 дона қутидаги телефон аппаратларини юклашганини, шундан сўнг юк машина ҳайдовчиси А.Кушаковни телефон рақамини Шекерга бериб у ердан кетганини, 2023 йил 18 апрель куни соат 09-00 ларда “мени нима ишқалга аралаштирдингиз, мен сизга ишониб, Тошкент шаҳрига ҳайдовчи гаплашиб бергандим, ҳайдовчини юк машинасида ноқонуний олиб ўтилган уяли телефонлар бор экан, ҳайдовчини орган ходимлари олиб кириб қўйибди, автомашинасини ҳам олиб беринг, муаммони ўзингиз ҳал қилинг” деб Ж.Ғозиев унга қўнғироқ қилганини, шундан сўнг Божхона идорасига бориб тушунтириш берганини, у ерда 2023 йил 17 апрель куни ҳайдовчи А.Қўшаков бошқарувидаги юк машинаси Бўстон туманидаги 44-сонли ЙПХ масканига ИИБ ЙХХБ ходими

томонидан тўхтатилгани, бир нечта фуқаролик кийимида орган ходимлари келтирилган шундан келиб чиққан ҳисобдан, текшириш давомида 30 дона қоғоз қутиларга жойланган, 20 дона “IPHONE 14 PROMAX” русумли, 25 дона “Redmi Note 11S 8/128” русумли, 5 дона “Redmi Note 11 4/128” русумли, 20 дона “Redmi 10 C 4/128” русумли, 15 дона “Redmi Note 11 Pro 8/128” русумли, 5 дона “Redmi 12S 4/128” русумли, 20 дона “Redmi 12S 4/64” русумли, 10 дона “REDMI 10C 4/64” русумли, 10 дона “XIAOMI 13 LITE Black 8/256” русумли, 60 дона “TECNO SPARK 10 8-128” русумли, 60 дона “SPARK TECNO 10C 4/128” русумли, 510 дона “SPARK TECNO 10C 4/128” русумли 12 хил турдаги жами 780 дона уяли алоқа воситалари вақтинча сақловга олинганлигини билганини, тушунтиришлар берганидан сўнг Қирғиз Республикасига ўтиб “Шекер” билан кўришиб, унга 780 дона телефон аппаратлари божхона органлари томонидан ушланиб қолганлигини айтганини, Шекерни телефон аппаратларини чегарани айнан қайси ҳудудидан олиб ўтганлигини билмаслигини, унга Тошкентда телефон аппаратларини қабул қилиб олувчи савдогарларни ҳам телефон рақамини ҳам бермаганини, аксинча Тошкентга телефонларни олиб кетаётган ҳайдовчи А.Кушаковни телефон рақамини унга берганини, ҳайдовчи А.Қўшақов ва таниши Ж.Ғозиевларга телефон аппаратлари Ўзбекистонга ноқонуний олиб кирилганлигини айтмаганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида 3 нафар фарзандлари борлигини, уларнинг 2 нафари вояга етмаганини, кенжа фарзанди 1 ёшга ҳам кирмаганини баён қилиб қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Г.Тошматованинг жиноятни содир этишдаги айби, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуви билан бирга, судда текширилган қуйидаги далиллар билан жумладан;

Гувоҳ У.Маҳаммаджонов суд мажлисида дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб қуйидагиларни, яъни 2015 йил июнь ойидан буён Ўзбекистон Республикаси Божхона органлари тизимида хизмат қилиб келаётганини, 2021 йилнинг август ойидан Андижон вилоят Божхона бошқармаси Контрабанда бўлими муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакли вазифасида ишлаб келаётганини, хизмат вазифаларига контрабанда предметлари ноқонуний кириб келишини олдини олиш, божхона қонунчилигини бузилишини олдини олиш кабилар киришини, 2023 йил 17 апрель куни соат 18-30 ларда ҳамкор ташкилотлар билан Контрабандага қарши курашиш бўлими ходимларининг тезкор маълумотига асосан тезкор-тадбир ўтказилиб, Андижон вилояти Бўстон туманида жойлашган 44-сонли ЙПХ масканида Андижон-Тошкент йўналиши бўйлаб А-373 автомагистралда ҳаракатланиб келаётган А.Қўшақов бошқарувидаги давлат рақам белгиси 60E970VA бўлган “ISUZU” русумли автотранспорт воситаси белгиланган тартибда тўхтатилиб,

автотранспорт воситасининг юкхонаси кўздан кечирилганини, текширув давомида автотранспорт воситасининг юкхонасида ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қандолат махсулотлари ортига яшириб юкланган чет элда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган Қирғиз Республикасидан Ўзбекистон Республикасига қандайдир йўллар орқали олиб кирилган, картон каробкаларга жойлашган телефон аппаратлари борлиги аниқланганини, юк машинасида жойлашган вилояти божхона бошқармасига олиб келиниб, 2 нафар холислар ва ҳайдовчи иштирокида 30 дона картон каробкаларга жойланган 20 дона “IPHONE 14 PROMAX” русумли, 25 дона “Redmi Note 11S 8/128” русумли, 5 дона “Redmi Note 11 4/128” русумли, 20 дона “Redmi 10 C 4/128” русумли, 15 дона “Redmi Note 11 Pro 8/128” русумли, 25 дона “Redmi 12S 4/128” русумли, 20 дона “Redmi 12S 4/64” русумли, 10 дона “REDMI 10C 4/64” русумли, 10 дона “XIOMI 13 LITE Black 8/256” русумли, 60 дона “TECNO SPARK 10 8-128” русумли, 60 дона “SPARK TECNO 10C 4/128” русумли, 510 дона “SPARK TECNO 10C 4/128” русумли 12 турдаги жами 780 дона телефон аппаратлари баённома асосида вақтинча сақловга олинганини, ҳайдовчи А.Кўшақов таниши Ж.Ғозиев ундан картон қутилардаги телефон аппаратларини маълум ҳақ эвазига Тошкент шаҳрига олиб бориб беришни сўрагани учун, рози бўлиб телефон аппаратларини Тошкент шаҳрига олиб кетаётганлигини маълум қилганини, “Ўзбекистон Телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республикаси маркази” ДУКнинг 2023 йил 25 апрелдаги 19-19-381/1025-сонли хатига кўра телефон аппаратларининг IMEI кодлари, идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизими орқали рўйхатдан ўтмаганлиги маълум бўлганини баён қилиб берган кўрсатуви;

Гувоҳ Ж.Ғозиев суд мажлисида дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб қуйидагиларни, яъни жияни Д.Ғозиевнинг раҳбарлигидаги “Аклис” номли кир ювиниш кукуни ишлаб чиқарувчи корхонада иш бошқарувчи бўлиб ишлашлигини, иш юзасидан Тошкент шаҳрига юк машинасида юк ташувчи давлат рақам белгиси 60E970VA бўлган “Isuzu” русумли юк машинаси ҳайдовчиси А.Кўшақов билан танишиб қолганини, А.Кўшақов 1-2 маротаба корхонага тегишли юкларни Тошкентга шаҳрига олиб бориб бериб, Тошкент шаҳридан ҳам хом-ашё олиб келиб берганини, 2023 йилнинг 17 апрель куни Пахтаобод туман марказида Тошкент шаҳрига йўловчи ташиш билан шуғулланиб юрган вақтда танишиб қолган Г.Тошматовани кўриб қолганини, Г.Тошматова ундан юк машинаси ҳайдовчи танишлари бўлса 1 дона “Дамас” русумли автомашинадаги юкларини, Тошкент шаҳрига жўнатиб юбориши кераклигини, айтиб юк машинаси гаплашиб беришини сўраганини, ўша куни Г.Тошматовани юкларини нима эканлигини унга айтган ёки айтмаганлигини эслай олмаслигини, шу куни Г.Тошматовани илтимоси

билан йўл ҳақини келишиб олишларини айтиб, юк машина ҳайдовчиси А.Қўшақов билан келишиб берганини А.Қўшақов Андижон шаҳрида эканлигини, машинаси уйи яқинида кўчада турганлигини, манзилни тушунтирса олиб келиб юклар қўйишларини айтганини, шундан сўнг А.Қўшақовга юкни эгаси телефон қилишини айтганини, шундан сўнг манзилни сўраб олишини, уйи яқинида машинаси турганлигини, бориб юклар қўйверишини, А.Қўшақовга юкни эгаси ҳам уйда эканлигини айтиб, Г.Тошматовга А.Қўшақовнинг телефон номерини бериб у ердан кетганини, шу куни соат 19:00 ларда А.Қўшақов унга Андижон вилояти божхона бошқармасига кетаётганлигини, Бўстон туманида тезкор тадбирда ушланганлигини, юкни эгасини телефонига телефон қилиб туша олмаганлигини айтиб, унга телефон қилганини, алоқа яхши бўлмаганлиги учун А.Қўшақов билан қайта боғлана олмаганини, шундан сўнг, Тошкентга кетаётган юк машинасини Бўстон туманида тўхтатишиб, юкларни божхона бошқармасига олиб кириб кетишганлигини, юкларни ичида нима борлигини, божхона идорасига бориб ҳал қилишини айтиб, Г.Тошматовга телефон қилганини, эртаси куни А.Қўшақов билан телефон орқали гаплашиб Г.Тошматова берган юклар 12 хил турдаги хорижда ишлаб чиқарилган 20 дона "IPHONE 14 PROMAX" русумли, 25 дона "Redmi Note 11S 8/128" русумли, 5 дона "Redmi Note 11 4/128" русумли, 20 дона "Redmi 10 C 4/128" русумли, 15 дона "Redmi Note 11 Pro 8/128" русумли, 25 дона "Redmi 12S 4/128" русумли, 20 дона "Redmi 12S 4/64" русумли, 10 дона "REDMI 10C 4/64" русумли, 10 дона "XIAOMI 13 LITE Black 8/256" русумли, 60 дона "TECNO SPARK 10 8-128" русумли, 60 дона "SPARK TECNO 10C 4/128" русумли, 510 дона "SPARK TECNO 10C 4/128" русумли жами 780 дона уяли алоқа воситалари эканлигини, телефон аппаратлар вақтинча сақловга олинганлигини айтганидан сўнг билганини, бир неча кундан сўнг божхона бошқармасига бориб ҳолат юзасидан кўрган билганларини айтиб тушунтириш берганини, хорижда ишлаб чиқарилган телефон аппаратларини Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишида ва Тошкент шаҳрига етказиб берилишида алоқаси йўқлигини, Г.Тошматова айтган юклар ноқонуний йўллар билан Ўзбекистонга олиб кирилган телефон аппаратлари эканлигини кейин билганини баён қилиб берган кўрсатуви;

Гувоҳ А.Қўшақов суд мажлисида дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб қуйидагиларни, яъни 2023 йил 17 апрель куни таниши Ж.Ғозиев телефон аксессуарлари (батарея, қулоқчин, зарядловчи мослама ва бошқалар)ни Тошкент шаҳрига олиб бориб беришни айтиб унга қўнғироқ қилганини, унга автомашинаси яшаш уйини яқинида турганлигини ўзи Андижон шаҳрида эканлигини олиб бориб юклар қўйиши мумкинлигини айтганини, орадан 20 дақиқа ўтиб, ҳайдовчи эканлигини, Ж.Ғозиев айтган нарсаларни олиб келаётганлигини айтиб,

бошқа бир киши унга кўнғироқ қилиб, манзилини сўраганини, унга манзилни тушуниб берганини, маълум бўлганда кейин нарсаларни юк машинасига юклаб кўйганлигини айтиб яна телефон қилганини, шу куни Г.Тошматова билан гаплашмаганини, Ж.Ғозиев унга юкни Тошкент шаҳрига олиб берганидан сўнг, юкни эгалари унга боғланиб олишларини, хизмат ҳақини Тошкент шаҳридан қайтиб келганидан сўнг олиб беришини айтганини, 2023 йил 17 апрель куни давлат рақам белгиси 60E970VA бўлган “Исузу” русумли автомашинасидаги товарлар божхона ходимлари томонидан ушлаб қолинганидан кейин юкни телефон аппаратлари эканлигини билганини, шундан сўнг бўлган воқеани Ж.Ғозиега кўнғиро қилиб айтганини, эртаси куни Ж.Ғозиев билан, товарлар ўзиники эканлигини, Ж.Ғозиевни алоқаси йўқлигини, айтиб, кейинчалик таниган Г.Тошматова уни яшаш хонадонига келганини, Г.Тошматовага вилоят божхона бошқармаси ходимлари учрашиш лозимлигини, товарлари божхона ходимлари кўлида эканлигини айтганини, йўл ҳақини Ж.Ғозиев билан гаплашганини, дастлаб унга йўл ҳақини 600.000 сўм бўлишини айтганида, “ҳозир сўраб кўрай”-деб, бир оздан кейин “500.000 минг сўм берар экан, бўладими?”-деб сўраганида, “бўлади” деб айтганини баён қилиб берган кўрсатуви;

Гувоҳ И.Мирзаахмедов суд мажлисида дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб қуйидагиларни, яъни 2023 йил 17 апрель куни Андижон вилояти божхона бошқармаси ёнидан ўтиб кетаётган вақтда, божхона ходимлари ундан бир ҳолат юзасидан холис сифатида қатнашиб беришни илтимос қилишганини, уларнинг таклифига рози бўлиб яна бир нафар холис сифатида иштирок этган фуқаро билан Бўстон туманидаги ЙПХ постига боришганини, шу куни соат 18-30 ларда Андижон-Тошкент йўналиши бўйлаб А-373 автомагистралда ҳаракатланиб келаётган унга нотаниш бўлган кейинчалик таниган А.Кўшаков бошқарувидаги давлат рақам белгиси 60E970VA бўлган “ISUZU” русумли автотранспорт воситаси 44-сонли ЙПХ масканида ИИБ ЙХХБ ходимлари томонидан белгиланган тартибда тўхтатилиб, божхона ходимлари томонидан автотранспорт воситасининг юкхонаси кўздан кечирилганини, юкхонада Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилган қандолат маҳсулотлари ортига яшириб юкланган чет элда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган Қирғиз Республикасидан Ўзбекистон Республикасига айланма йўллар орқали олиб кирилган картон каробкаларга жойланган телефон аппаратлари борлиги аниқланганини, воқеа жойида автотранспорт воситаси юкхонасидаги товарларни кўздан кечириш ҳамда баённома расмийлаштириш учун етарли шароит бўлмаганлиги сабабли, Андижон вилояти божхона бошқармасига олиб келинганини, бошқармада у ва яна бир холис ҳамда ҳайдовчи А.Кўшаков иштирокида, хорижда ишлаб

чиқарилган ва сифати кафолатланмаган, Қирғиз Республикасидан Ўзбекистон Республикасига йўналтирилган қўйиб ўтилган 30 дона усти скочланган картон каробкаларга жойланган 20 дона “IPHONE 14 PROMAX” русумли, 25 дона “Redmi Note 11S 8/128” русумли, 5 дона “Redmi Note 11 4/128” русумли, 20 дона “Redmi 10 C 4/128” русумли, 15 дона “Redmi Note 11 Pro 8/128” русумли, 5 дона “Redmi 12S 4/128” русумли, 20 дона “Redmi 12S 4/64” русумли, 10 дона “REDMI 10C 4/64” русумли, 10 дона “XIAOMI 13 LITE Black 8/256” русумли, 60 дона “TECNO SPARK 10 8-128” русумли, 60 дона “SPARK TECNO 10C 4/128” русумли, 510 дона “SPARK TECNO 10C 4/128” русумли 12 турдаги жами 780 дона телефон аппаратлари баённома асосида вақтинча сақловга олинганини, телефон аппаратларининг IMEI кодлари кўздан кечириш баённомасига тушириб чиқилганини, расмийлаштирилган ҳужжатларга холис сифатида имзо қўйиб берганини баён қилиб берган кўрсатуви.

Гувоҳ О.Нурматовнинг суд мажлисида, гувоҳ И.Мирзаахмедовнинг кўрсатувларига ўхшаш берган кўрсатуви;

Шунингдек, ишдаги билдиргилар, автотранспорт воситасини кўздан кечириш ва ашёвий далил тариқасида олиш тўғрисидаги, тезкор кузатув тезкор қидирув тадбири ўтказилганлиги ҳақидаги, А.Кўшаков томонидан ихтиёрий тақдим қилинган “Samsung Galaxy A31” русумли уяли телефон аппаратини кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳақида, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш, тезкор қидирув тадбири натижаларини кўздан кечириш тўғрисидаги баённомалар, нарсани ашёвий далил сифатида эътироф этиш тўғрисидаги қарор, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Андижон вилояти бўлими экспертларининг 2023 йил 19 апрелдаги 21-02/(369)24.1Z/541 сонли хулосаси “UzTest” Давлат муассасаси Андижон вилояти филиали мутахассисларининг 2023 йил 10 майдаги 02-008 сонли хулосаси, “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази” давлат унитар корхонаси мутахассисларнинг 2023 йил 25 апрелдаги 19-19-381/1025-сонли хулосаси, тушунтириш хатлар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа ишончли ва мақбул далиллар мажмуи билан исботланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчи ва судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган,

ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги; **Protected by PDF Anti-Copy Free**

408-моддасида, суд ишнинг барча ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тула ва холисона текшириш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун ЖПКда назарда тутилган чораларни кўришлиги;

463-моддасида, айблов тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат суд ишнинг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси да исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларидан маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, суд судланувчи Г.Тошматованинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб аниқланган ҳолатларга кўра баҳо бериб, судланувчининг жинойий ҳаракатларини квалификация масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Г.Тошматованинг жуда кўп миқдорда божхона қонунчилигини бузганликда ифодаланган хатти-ҳаракатлари ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан дастлабки тергов органи томонидан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши,

яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши тебаситилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми туғрисида ги 7-сонли қарорининг 28-бандида судларнинг эътибори, ҳукм қилишда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари туғрисидаги талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эътибори ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти туғрисида"ги Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги ролини, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори,

жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) ҳақида раҳбарий тушунтиришлар

Суд, судланувчи Г.Тошматованинг муқаддам судланмаганлигини, чин кўнгилдан пушаймондалигини, вояга етмаган фарзандлари борлигини, аёл кишилигини, оилада ягона боқувчилигини, ёлғиз она эканлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан қўллаб-қўғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Тошматовага жазо тури ва миқдорини белгилашда у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7 ва 8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек юқоридаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарорлари талабларидан келиб чиқиб, муқаддам судланмагани, аёл кишилиги, оилада ягона боқувчилиги, ёлғиз она эканлиги каби жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни айтиш вақтда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган қонун санкциясида назарда тутилган энг кам жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси тартибида ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, 2023 йил 7 июлда 955-сонли далолатнома асосида “Андижон хўжалик маданий моллар базаси” МЧЖга қарашли очик турдаги божхона омборидаги “Божхона Сервис” Андижон вилоят бўлими ихтиёрига топширилган 1.871.334.090 сўмлик 12 хил турдаги жами 780 дона уяли алоқа воситаларини белгиланган тартибда давлат фойдаси мусодара қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Тошматова Гулнорахон Юсуповна (Toshmatova Gulnoraxon Yusupovna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Г.Тошматовага Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида яъни 60.000.000 (олтмиш миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима белгиланган тартибда давлат фойдасига ундирилсин.

Г.Тошматовнинг вазифасидан қўлга олиниши билан “онлайн ҳуқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил, 1.871.334 сўмлик 12 хил турдаги жами 780 дон уяли алоқа воситалари белгиланган тартибда давлат фойдаси мусодара қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафларнинг эълон қилинган пайдан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида, шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Ҳукми нусхаси асалига тўғри
Туман судининг судьяси

/имзо/

А.Қуваталиев

А.Қуваталиев